



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ

THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT

ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-6, (June) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллоевич
Бухоро давлат педагогика институтини
“Ижтимоий фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси

ОЙКУМЕНА ПАРАДИГМАСИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ойкумена тушунчасининг келиб чиқиш тарихи, таърифи, маъно-мазмунини ҳақидаги дастлабки ва ҳозирги дунёқараш намуналари келтирилди. Кўпчилик тарихчилар, файласуфлар ва сиёсатшунослар учун фан термини сифатида ишлатиладиган ушбу фан қонунияти тўла-тўқис изоҳлаб беришга ҳаракат қилинди. Масалан, дастлабки диний қарашлардаги “ойкумена”нинг тушунилиши, Мил.авв. III-II минг йилликдаги ойкумена (месопатамия манбаларига кўра), Анаксимандр Ойкуменаси ва Гекатей Ойкуменаси, Птолемейга таълуқли деб қараладиган Ойкумена, “тарих отаси” Геродот ойкуменаси, Посидония Ойкуменаси тасвирлаб берилди.

Калит сўзлар: фалсафа, ойкумена, атроф-муҳит, тарих, империя, этнография, жўғрофия, харита, давлат, цивилизация, тинчлик.

ПАРАДИГМА ОЙКУМЕНЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены примеры раннего и современного взгляда на происхождение, определение и значение понятия ойкумена. Была предпринята попытка полностью объяснить законы этой науки, которая используется как научный термин многими историками, философами и политологами. Например, понимание «ойкумены» в ранних религиозных воззрениях до н.э. Описаны Ойкумена III-II тысячелетий (по месопотамским источникам), Ойкумена Анаксимандра и Ойкумена Гекатея, Ойкумена, считающаяся родственной Птолемию, Ойкумена «отца истории» Геродота, Ойкумена Посидонии.

Ключевые слова: философия, ойкумена, окружающая среда, история, империя, этнография, география, карта, государство, цивилизация, мир.

THE OIKUMENA PARADIGM

ANNOTATION


In this article, examples of the early and current outlook on the origin, definition, and meaning of the concept of oikumena are given. An attempt was made to fully explain the laws of this science, which is used as a scientific term for many historians, philosophers and political scientists. For example, the understanding of "oikumena" in early religious views, BC. Oikumena of the III-II millennium (according to Mesopotamian sources), Oikumena of Anaximander and Oikumena of Hecataeus, Oikumena considered related to Ptolemy, Oikumena of the "father of history" Herodotus, Oikumena of Posidonia were described.

Key words: philosophy, oikumena, environment, history, empire, ethnography, geography, map, state, civilization, peace.

“Ойкуméна”, “экумена”, “эйкумена” қадимги юнон οἰκουμένη «серахоли(обод)» (ер), οἰκέω сўзидан олинган бўлиб, «одамларни ўрнаштираман, обод(одам ўрнашган)», бошқача қилиб айтганда «атроф-муҳит», «дунё» - кенг маънода дунёнинг инсон томонидан ўзлаштирилган қисми [1], деган маънони билдиради. Ушбу ибора тор маънода “маълум тамаддун чегарасини билдириш соҳаси” сифатида қўлланилган, ёки “варварлар ва тегишли тамаддун халқларидан фарқли равишда, тамаддун қадами етган соҳани” тушуниш, деб ҳам талқин қилинган.


Аслида οἰκουμένη атамаси қадимги юнон географи ва тарихчиси *Милетлик Гекатей* (қад.юнон. Ἑκαταῖος, лат. Hecataeus, тахминан мил.авв.550–490 йй) томонидан илк бора “*маркази Эллада бўлган Ер қисми*” тарзида қўлланилган, деган фикр мавжуд. Эллинизм даврида “ойкумена” тушунчаси нафақат “обод”(ёки “(инсон томонидан) жойлашилган”) ёки “юнон” дунёси тарзида, балки, “бутун жаҳон”, “борлиқ”[2] тушунила бошланган. Кейинчалик “ойкумена” ибораси “Рим империяси”, “Рим дунёси” (*orbis Romanus*) билан синоним тарзда қўлланилган. Лекин бу мил.авв.27 йилдан милодий 235 йилгача бўлган (*Pax Romana*) Принципат давридаги *тинч ва осуда ҳаёт даври*, деб тушунилмаслиги керак.

Қадимги диний ва тарихий манбаларда ҳам “ойкумена” кенг қўлланилган. Уларнинг айримларида қайсар Августнинг “бутун борлиқ аҳолисини рўйхатга олиш тўғрисида”ги чиқарган фармонида “ойкумена” ёки “бутун борлиқ” деб айнан “Рим империяси чегаралари” доирасида тушунилган. Янги Аҳдда эса “келаётган янги дунё” “ойкумена” тарзида қўлланилган.



1-расм. Дастлабки диний қарашлардаги “ойкумена”нинг тушунилиши

Шундай қилиб, “ойкумена” қадимги юнон тилида инсон томонидан ўрнашилган “обод жой”, аниқроғи, “фақатгина юнонлар ўрнашган жой”, улар мансуб бўлган давлатчилик/цивилизация тушунилган.



2-расм. Анаксимандр Ойкуменаси ва Гекатей Ойкуменаси[3, Б.3.].

Милетлик Гекатей “ойкумена”га Европани (Шимолий Европадан ташқари), Кичик ва Олд Осиёни, Ҳиндистон ва Шимолий Африкани киритган [4].



3-расм. XV асрда Ойкуменани тавсифловчи сурат. Бу Птолемейга таълуқли деб қаралади (1482 йилда Иоганн Шнитцер томонидан ишланган гравюра).



4-расм. Мил.авв. III-II минг йилликдаги ойкумена (месопатамия манбаларига кўра)

Қадимги юнон тарихчиси Геродот (мил.авв.V асрда) “Тарих” асарида (3-китоб, 114-қисмида): χώρα ἐσχάτη τῶν οἰκουμένων χωρῶν – “ўрнашган/жойлашилган давлатлардан энг узоқ (жойлашган) давлат” [5, Б.140.] тарзида таъриф берилган. Википедия – электрон энциклопедиясида “ойкумена” (οἰκουμένη) тушунчасини жўғрофий контекстда илк бора **Геродот** томонидан “**Тарих**” асарида келтирган [6], дейилади.



5-расм. Геродот ойкуменаси [7, Б.4.].

Агафемер эса Геродотгача яшаган **Милетлик Анаксимандр ойкуменани харитага илк маротиба киритган**, деб ҳисоблайди. Милетлик Гекатей эса ушбу харитани такомиллаштирган, “ойкумена” тушунчасини эса фалсафадаги анахронизм йўналиши ишлатган,[8] дейилади.



6-расм. Посидония Ойкуменаси. Пьера Бертъе ва Мельхиора Тавернье реконструкцияси [9, Б.12.].

Қадимги юнон тилидаги οἰκουμένη, яъни “ойкумена” куйидаги маъноларни англатган:

1. Обод қилинган ер; яъни одамлар томонидан ўрнашилган ер;
2. Юнон ерлари, яъни юнон қабилалари томонидан жойлашилган ерлар;
3. Ер, дунё, яъни инсониятга маълум бўлган (ўрнашилган) ер.

Европа маданиятида узоқ вақтлар мобайнида “ойкумена” ибораси қўлланилмаган. Фақатгина XIX аср охири XX аср бошларида Европа протестантизмнинг экуменистик ҳаракатида қўлланила бошланган. Рус тилида ҳам “ойкумена” кўп вақтлар қўлланилмаган. Ўзбек тилида ҳам бу ибора нисбатан “янги” атамдир. Аслида “ойкумена” ибораси илк бора фанга кенг маънода, хусусан, этнографик, ландшафт ва жўрофий омиллар асосидаги “Улуғ сахро”даги тарихни англаш маъносидаги “пассионарность” концепциясида Л.Н.Гумилев томонидан тадқиқ этилганди[10]. Бунда “Улуғ сахро” сифатида Евроосиё макони жўрофия асосидаги тарих, жаҳон этнографияси сифатида тўлалигича тадқиқ этилган ва Евроосиё минтақаси ойкуменанинг ўзи ва тарихнинг асоси, деб қаралган.

Геосиёсатдаги энг машхур концепциялар ҳам, хусусан, Х.Ж.Маккиндернинг “Тарихнинг жўрофий асоси” концепциясидаги “Асосий ўлка” назарияси ҳам Евроосиё макони асосида тадқиқ этилганди.

Курукликдаги ҳукмронлик – теллуократик назарияда ҳам (Х.Маккиндер концепцияси), денгиз/уммондаги ҳукмронлик – талассократик назарияда (А.Мэхен концепцияси) ҳам тугал мақсад ва стратегик манзил сифатида Евроосиё макони ва унинг геосиёсий минтақалари, ҳаттоки, унинг “қирғоқ зона”лари (римленд назариясида, Н.Спайкмен) ўрганилганди. Лекин буларнинг бирортасида “ойкумена” парадигма сифатида қўрилмаган ва бу ибора қўлланилмаган ҳам.

К.С.Гаджиевнинг дарслигида “ойкумена” деганда “инсон ўрнашган макон/майдон/жой”[11, Б.5.], тарзида келтирилган. Демак, Европа сиёсий фанининг махсули бўлган “ареал” терминининг нисбатан синоними тарзида ҳам “ойкумена” иборасини сиёсий истилоҳга олишимиз мумкин. Гарчи ареал тўлалигича сиёсий ҳокимият ва давлатчилик тартиботларини ўрнатиш, назорат қилиш ёки миллий/гео­сиёсий манфаатларнинг мавжуд бўлиш ҳудуди, чегараси ва жойлашган манзилни англатса ҳамки, сиёсатшуносликда “ойкумена” парадигмаси ва “ареал” тушунчасини синоним тарзда, ёхуд “ойкумена” дастлабки тушунча, “ареал” эса “окумена фарзанди” тарзида ишлатиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Биринчиси инсон қадами етган цивилизацияни англатса, иккинчиси эса замонавий сиёсатшуносликда шу цивилизациядаги мавжуд ҳукмрон давлатнинг мавжуд гео­сиёсий манфаатларининг “минтақаси”, “жойи”, деб олишимиз мумкин. Академик Е.Н.Черных ҳам “Қадимги ойкумена ва унинг сирлари” [12, Б.2.] номли мақо­ласида бу икки тушунчани синоним тарзида келтирган.

Бир қатор рус олимлари “ойкумена” иборасини 2 хил талқинини кўрсатишади: биринчиси, илмий – оммабоп талқин, уни юқорида қисман кўриб чиқдикки, бунда “ойкумена” деб география, тарих ва қисман биологияда инсон томонидан обод қилинган ёки ўрнашилган жой,[13, Б.136.] деб тушунилади. Иккинчиси эса христиан дунёсининг 20 ас­рдаги “экуменик ҳаракати”[14, Б.8.] тарзида талқин этишадики, бунда Константинопол патриархининг про­вослав анъаналарини “бутун жаҳон”ий (Οἰκουµενικὸς Πατριάρχης), деб қабул қилиш тушуни­лган. Бу кўпроқ ғарб дунёсининг ўз колониялистик мафқурасини колонияларида “ушлаб туриш” сиёсати тарзида ҳам ишлаб чиқилган. “Эътиқод алифбоси”да келтирилишича, экуменизм ғоясининг асоси сифатида эса “христиан динининг ягоналиги, алоҳида христиан конфессиялари ва қайта номланиши эса ягона дарахтнинг бутуқлари”[15, Б.46.] тарзида талқин қилинган. Буни бир дин ичидаги тинчлик ғоясини тарғиб қилиш, деб тушуниш мумкин.

“Эски дунё” деганда олимлар, “Ернинг маданий ойкуменаси” деб таъриф беришган ва унга 1492 йилгача европаликларнинг “Янги дунё”ни кашф этгунча бўлган давр тушунилади. “Эски дунё”га 2та материк киритилган: Евроосиё ва Африка. Тарихий жихатдан эса “Эски дунё”ни 3га бўлишади: Европа, Осиё, Африка – Афроевроосиё [16, Б.8.] тарзида ифодаланган.

Айни пайтда “ойкумена” жўғрофий, экологик, тарихий ва маданий термин/тушунча сифатида илмий тадқиқотларда кенг қўлланилади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, **тинчлик ойкуменаси** иборасини кенг қўллашимиз керак – чунки тинчликнинг мавжуд бўлиши ва инсон қадами етган/ўрнашган манзилларда тинчликни таъминлашнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, инсоний, ахлоқий, инновацион ва цивилизациявий асослари ҳақида тадқиқотларни назарда тутишимиз керак. Биз, тинчликнинг барча асосларини ўрганишга ҳаракат қилишимиз ва бу (тинчликни ўрганиш ва тинчликни ўрнатиш) бир кунлик иш ҳам эмас, албатта [17]. Чунки инсоният тарихи ва замонавий халқаро сиёсат кўрсатмоқдаки, инсон қадами етган ҳар қайси манзилгоҳ ҳам тинчлик маскани бўлаётгани йўқ. Шу сабабли ҳам инсоният тамаддуни узра тинчлик ойкуменаси – тинчлик маданияти сингиши, ўрнашиши ва тадқиқотлар давом этиши шарт кўринадир. Чунки барқарор ривожланиш ғояси асосида мавжуд бўлган глобал ҳамжамиятда кишиларнинг назари тинчликка қадалган, барча кўзлар тинчликка қаратилган.

Ҳозирги кунда “Ойкумена. Минтақавий тадқиқотлар” номли илмий журнал (Россияда) нашр этилмоқда ва унда социология, сиёсатшунослик, тарих ва археология фанларига оид тадқиқотлар чоп этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунга қадар “ойкумена” тушунчасини базис термин сифатида бирор бир жаҳоний аҳамиятга молик бўлган янги сиёсий ёки илмий-фалсафий, тарихий, методологик концепция ханузгача бирор киши томонидан тақдим этилганича йўқ.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. <https://azbyka.ru/ojkumena>
2. Henry George Liddell, Robert Scott, - A Greek-English Lexicon.
3. Евгений Черных, институт археологии РАН (Москва, Россия). «Природа» № 4, 2021.с.3.
4. <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/083/868.htm>
5. Herodotus (with an English translation by A. D. Godley) in four volumes. - London, New York: William Heinemann, G. P. Putnam's Sons, 1928. - Т. II (Books III and IV). - С. 140.
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9E%D0%B9%D0%BA%D1%83%D0%BC%D0%B5%D0%BD%D0%B0>.
7. Евгений Черных, институт археологии РАН (Москва, Россия). «Природа» № 4, 2021.
8. *Klaus Geus. Oikoumene/Orbis Terrarum // Oxford Classical Dictionary.* - doi:10.1093/acrefore/9780199381135.013.8008; Henry George Liddell. Robert Scott. A Greek-English Lexicon. revised and augmented throughout by. Sir Henry Stuart Jones. with the assistance of. Roderick McKenzie. Oxford. Clarendon Press. 1940.
9. Евгений Черных, институт археологии РАН (Москва, Россия). «Природа» № 4, 2021.
10. Л.Н.Гумилев. Этгенез и биосфера земли. М.2002.с.560.; Лев Гумилев. Древние тюрки. Айрис-пресс. Рольф.Москва.2002. с.561; Лев Гумилев. Тысячелетие вокруг Каспия. Айрис-пресс. Рольф.Москва.2002. с.383; Л.Н.Гумилев. Конец и вновь начало: популярные лекции по народоведению. М.2002.с.384 и другие.
11. К.С.Гаджиев. Введение в геополитику. Москва. «Логос». 2000.
12. Евгений Черных, институт археологии РАН (Москва, Россия). «Природа» № 4, 2021.
13. Дитмар А. Б. Рубежи Ойкумены: Эволюция представлений античных ученых об обитаемой земле и природной широтной зональности. - М.: Мысль, 1973.
14. Нейхардт А. А., Шишова И. А. Семь чудес древней Ойкумены / Отв. ред. Э. Д. Фролов. - М.: Наука, 1990. - 129 с.
15. История философии: Запад-Россия-Восток (книга первая: Философия древности и средневековья). - 3-е изд. - М.: «Греко-латинский кабинет» ® Ю. А. Шичалина, 2000. - 480 с.
16. Нейхардт А. А., Шишова И. А. Семь чудес древней Ойкумены / Отв. ред. Э. Д. Фролов. - М.: Наука, 1990. - 129 с.
17. <https://cyberleninka.ru/journal/n/oykumena-regionovedcheskie-issledovaniya?i=1127528>